
Давлат хизматлари марказидан муҳим эълон!

Ҳурматли Ўзбекистон туманиликлар, қадрли юртдошлар!

Аҳолига қулай имкониятлар яратиш мақсадида Давлат хизматлари агентлиги ташаббуси билан вилоятимиздаги барча туман ва шаҳарлардаги марказий бозорларда сайёр қабуллар ўтказилади.

Шу жумладан, Ўзбекистон тумани давлат хизматлари маркази томонидан эртага, 10 октябр ва келгуси ҳафта якшанбаси-17 октябр кунлари ҳам соат 9:00 дан 15:00 гача Яйпан шаҳридаги марказий дехқон бозори олдида фуқаролар учун сайёр қабул ташкил этилади.

Сайёр қабулларда фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилиши билан бирга, соҳага оид бепул ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам берилади ҳамда сайлов қонунчилиги бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказилади.

Ўзбекистон тумани давлат хизматлари маркази

2021-10-09 21:39:40